

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

IJTIMOY FANLAR KAFEDRASI

**HOZIRGI ZAMON FALSAFASI:
HOLATI VA TARAQQIYOTINING ISTIBOLLARI**

**Akademik Jondor Tulenov tavalludining 95-yilligiga bag'ishlangan
respublika ilmiy-nazariy anjuman materiallari**



Toshkent – 2023

Ushbu to‘plamda O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti bilan hamkorligida 2023 yil 3-may kunlari akademik Jondar Tulenov tavalludining 95 yilligiga bag‘ishlab «Hozirgi zamon falsafasi: holati va taraqqiyotining istiqbollari» mavzuida o‘tkazilgan respublika ilmiy-nazariy anjumanning materiallari o‘rin olgan.

Mas`ul muharrir: f.f.d., prof K.J.Tulenova

Taqrizchilar: f.f.d., prof J.S.Ramatov
p.f.d., prof. v.b. R.M.Medetova

Tahrir hay`ati: f.f.d., prof. G.Tulenova
f.f.d., prof. K.J.Tulenova
PhD, dot.v.b.M.Q. Mamadjonova

Maqolalarda keltirilgan nazariy fitqlar, sttistik ma`lumotlar haqqoniyligi uchun javobgarlik uchun javobgarlik mualliflar zimmasida.

*Anjuman materiallari Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti 2023 yil **** dagi (7-sonli) Ilmiy-texnik Kengashining yig`ilishida mujokama qilingan va nashrga tavsiya etilgan.*

ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДОЛОГИЯСИДА ФАЛСАФАНИНГ ЎРНИ

**Х.Усмонов, ассистент ТТА,
А.З.Фақиров, Халқаро экология ва инсон
саломатлиги академияси академиги, т.ф.д., ТТА**

Замонавий медицина ва халқ табобати бошқа фанлар каби фалсафа аталмиш улкан бир дарёнинг ирмоқларири. Тирикликтининг маъноси ва мазмунни, ибтидо ва интиҳо, тақдир ва тадбир, умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар, маънавият ва маърифат жабҳалари барчаси фалсафа фанининг марказида туради.

“Фалсафа – инсон тафаккурида акс этган буюк бир даврдир”, – дейди Гегель.

Дарҳақиқат, фалсафа табиат, жамият, инсон тафқурининг объектив қонунларини моддий оламга таъсир этиш йўлларини, дунёни ўзгартириш, воқеалар ривожини аввалдан кўра олиш, умуминсоний, умуммиллий муаммоларни оқилона ечишга ёрдам бериб, замонавий медицинада касалликлар этиологияси, патогенези, клиник манзаралари, диагностикаси, дифференциал қиёси, консерватив ва оператив давоси прогнозини муфассал англашга имкон беради. Фалсафа категориялари, диалектиканинг қонунлари, онг ва ижодиёт, жамият тизимлари, маданият ва цивилизация тушунчалари, шахс, эркинлик, қадриятларни тўлиқ англаб етган инсонгина ҳақиқий шифокор даражасига ета олади. Муаллифларнинг тиббиёт олими, ижодкор бўлиб етишишида талабаликда фалсафанинг чуқур ўзлаштирилиши катта аҳамият касб этган.

Мақсад ва вазифалар: болалар хирургияси ва клиник аллергологияга келган талабалар фалсафий билимларини ўзлаштириши ва эсда сақланиб қолиш даражасини ўрганиш.

Мақсадларни амалга ошириш учун кафедраларга келган талабалар билан фалсафий мавзуда сухбат ўтказилди.

Тадқиқот натижалари ва мухокама. Даволаш ва тиббий педагогика факультетларининг болалар жарроҳлиги ва клиник аллергология кафедраларига келган оқимларидан ихтиёрий гуруҳларни танлаб сўровнома ўтказишида маълум бўлишича уларнинг 16,9% қисми (71 тадан 12 нафари) фалсафанинг категориялари, диалектиканинг асосий қонунлари, онг ва ижодиёт, жамият тизимлари, маданият ва цивилизация тушунчалари, шахс, эркинлик, қадриятларни, маънавият ва маърифат тушунчаларини аъло, 36,6% (26 нафари) яхши ва ниҳоят 26,8% (19 нафари) қониқарли жавоб бера олганлар. Ниҳоят, 14 нафар талаба мазкур сўровномаларда қониқарли жавоб бера олмаганлар.

Ушбу кафедралардаги цикни якунлаш чоғидаги билим ва кўнижмаларни текширишида фалсафа категорияларини тўғри англаган, умумбашарий ва умуммиллий қадриятларни тушунган, тиббий деонтология ва касб этикасидан

боҳабар талабалар ўз интилувчанлиги ва мотивацияларини намоён қилиб аъло ва яхши баҳоларга эришганлар.

Замона шиддати бугун медиклардан кенг дунёқарааш, на фақат тиббий муаммоларга, балки ҳаётга фалсафий нуқтайи назар билан қарааш лозимлигини кўрсагани боис олийгоҳларда фалсафа, тиббий деонтология ва касб этикасини кенгроқ ўтиш, маъруза ва амалий машғулот соатларини қўпайтириш замон талабларидандир.

ФАЛСАФА ВА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ЮТУҚЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАСАЛЛИКЛАР ДАВОСИДАГИ АҲАМИЯТИ

**А.З.Фақиров, т.ф.д., Европа табиий фанлар
академияси академиги, ТМА**

Буюк бобокалонларимизнинг фалсафий, илмий, адабий мерослари бугунги кунгача ахли илмлар учун дастуриламал бўлиб келаётганлиги сир эмас. Миллат ва юртнинг ана шундай комил табибларидан бири шубҳасиз ўрта асрларда Самарқандда яшаб фаолият юритган улугъ ватандошимиз Ас-Сайдус-Самарқандий бўлганлар. Унинг тиббиёт, фалсафа, илоҳиёт тарихига қўшган ҳиссаси аксарият буюк аждодларимизники кабидир. Унинг қаламига мансуб “Рисолаи сайдийа – Овчилик рисоласи” асари форс тилида битилган бўлиб уч қисмдан иборат. Биринчи қисми овчилик билан боғлиқ масалаларни, ҳайвон билан ов қилиш, қурол билан отиш, тузоққа тушириш, ўлган ва йиқилган, ит теккан овқатларнинг шариат юзасидан ҳалол-харомлиги, бу ҳақда турли мазҳаб шариат пешволарининг фикрларини келтириш билан боғлиқ.

Навбатдаги қисмida турли ҳайвон, парранда ва даррандаларнинг яшаш тарзи, арабча, форсча ва туркча исмлари, гўштининг ҳалол ёки ҳаромлиги, ҳар бир аъзодаги тиббий хусусиятлар ва уларнинг қайси хасталикларга эм бўлиши масалалари кўриб чиқилган. Интиҳоси “хотима” деб аталиб унда овқатланиш билан боғлиқ масалалар, фол ва тайра, шу ҳақдаги шариат хукмлари, тумор ёзиш ва доюхонлик, ҳафта кунларининг яхши ёмонлиги, баҳтли ва баҳтсизлигии, қайси кунда қайси фаолият билан шуғулланиш мақбуллиги Қуръони Карим оятлари ҳамда ҳадислар ва шаръий хукмлар нуқтайи назаридан тушунтириб берилган. Аллома ушбу асарни ёзишда ўзидан аввал яшаган ҳамда замондош бўлган кўплаб олим, фозил ва фиқҳ аҳлининг битикларидан, кўрсатмаларидан фойдаланган. Ягона сақланиб қолган форсча қўлёзма нусхасини Маҳмуд Ҳасаний ўзбек тилига ўгириб, 1994 йилда “Фан” нашриётида “Жонзотларнинг тиббий хосиятлари” номи билан чоп этилган.

Бунда олимлар “Рисолаи сайдийа”нинг иккинчи ва учинчи қисмларидан мамлакатимиз учун хос бўлган жониворлар ва тавсияларни танлаб олганлар. Рисолада шер, туж, шоқол, қуён, гуруч, ўрдак, кийик, қарчигай, пиёз, сигир, ҳачир, тухум, тамаки, тулки, чигиртка, чой, кабутар, буғдой, қалдирғоч, чўчқа, товуқ, пашша, жухори, асалари, бедана, балиқ, ёғлар, саратон, қўй, товус, чумчуқ, қарға, сичқон, маймун, қумри, қаҳва, ит, қатиқ, гўшт, сув, мош, айрон, чумоли, кўрсичқон каби жонивор ва маҳсулотларнинг мизожи, уларнинг инсон саломатлигига фойда-заарлари, қўллашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, ножӯя таъсирлари давр илми ва фиқҳи нуқтайи-назаридан келиб чиқсан ҳолда баён қилинган. Олим шерга таъриф бера туриб уларнинг сарқитдан ҳазар қилишини, гўштининг ҳаромлигини, терисида ўтиrsa ва ёпиниб ётса бавосир ва қисморни даво қилишини, сандиққа солса куяни даф этишини, тезагини пиёнистага қўшиб ичирса ичкиликбозликдан қутулишини ёзади. Туя эти ва сутининг ҳалол эканлигини, аммо у ағанаган жойга намоз ўқимоқнинг макруҳ эканлигини келтиради. Бунга ҳадисдан: “Тева шаётундир,

на учунким кўп гиналик бўлур” – қисмини далил қилиб келтиради. Туяning ўти йўқлиги боис унинг жигаридан ўт суюқлигини олиб кўзга сурса шапқўрликни бартараф этишини, тукини қўйдириб захмга сурилса қонни тозалашини, эти эса, импотенцияга эм бўлишини келтирган. Шоғол этининг ҳаромлигини, гўшти жинниликка даво бўлишини, ўнг кўзини тақиб юрса кўз тегмаслигини келтирса, қуён этининг ҳалоллигини, этини долчин ва харджал билан қўшиб истеъмол қилса шайтонлаш, эпилепсияга ва шол бўлганларга наф бўлишини битиб ўтади. Эти сирка аралаштириб боғласа илон чаққанларга даво бўлиши, туғмаётган аёллар унинг фаржини истеъмол қилса ҳомиладор бўлишини ёзади. Гуруч бобида эса, унинг туркийда биринж деб аталиши, кўп истеъмол қилиш умрни узайтиришини, уйқуни яхшилашини, хилтларни тозалашини, баданни этили қилишини келтириб ўтади. Ширгуруч эса, шаҳватни зиёда қилиб импотенцияга эм бўлишини, эшак сути билан ширгуруч қилиб едирилса, силга эм бўлишини ёзади. Ўрдаклар ҳалол ҳисобланиб, гўшти қийин ҳазм қилишини, баданни семиртишини, шаҳватни кучайтиришини келтириб ўтади. Айрим одамларда унинг истеъмоли иситмага сабаб бўлиши, бўтакаси бавосирга эм бўлиши келтириб ўтилган. Кийик гўшти ҳалол бўлиб ҳазми осон, бавл йўлини очиб, шаҳватни кўпайтиришини, шоҳини қўйдириб, песга суриб офтобда ўтирса тери ранггини меърлаштиришини келтириб ўтади. Қарчиғай эти ҳаромлиги, қони тошмаларга эм бўлишини, пиёзнинг эса, қабзият ва жинсий иложисизликда наф қилишини, сиркага аралаштириб сурилса, сарамасга эм бўлишини, илон чаён заҳри кесишини ёзади. У хачир этининг ҳаромлигига ихтилоф борлигини, юраги ҳомиладорликдан сақланиш учун, териси бачадонда ўлиб қолган ҳомилани туришиш учун нафи борлигини келтиради. Сигир гўшти ҳалол, ҳазми оғир, айрим ҳолларда бадан қичишиши ва ногаҳоний ўлимга олиб келишини, шароб билан истеъмол қилинса, зарари камайишини битган.

Абулқосим аз-Захравий, Мухаммад Закариё ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Ҳаким Юсуфий, Воситхон ибн Зоҳидхон Шошийлар қаторида Ас-Сайду-с-Самарқандий ўз даврининг буюк файласуф-алломаларидан бўлиб, бугунги кун медицинаси тасдик ёки инкор этишидан қатъий назар халқ табобати ривожига улкан ҳисса қўшган ватандошимиздир.

Адабиётлар

1. Ас Сайд ус Самарқандий. Жонзотларнинг тиббий хусусиятлари. – Т.: Фан, 1994.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т.: Медицина, 1952.
3. Алижон Зоҳидий. Простатитни даволаймиз. – Т.: Янги аср авлоди, 2017.